

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 4 (10)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Акрамова Фазилят Артикбаевна ПРОМЫШЛЕННЫЕ КАДРЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: СТАНОВЛЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ	7
2. Karimjonov Jasurbek Muxtorjonovich O‘ZBEKISTONDA TARIXIY SHAXSLAR NOMIDAGI MUKOFOTLAR TA‘SIS ETILISHI: TAQDIRLASH JARAYONLARI	16
3. Кобзева Ольга Петровна АКАДЕМИК Э. В. РТВЕЛАДЗЕ - ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ НАУКЕ	25
4. Ктайбеков Саламат Маманович ВОЗРОЖДЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ И НОВЫЙ ЭТАП ВО ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ЯПОНИИ	34
5. Mamatqulov Bekzod Sherozovich O‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAJRIBA VA NATIJALAR (1925-1991 YILLAR)	45
6. Маматова Махфуза Бахриддиновна ТОРГОВЛЯ ИНДИЙСКИХ ЧАЕВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛА XX ВЕКА)	54
7. Mirzayev Komiljon Mamirjonovich O‘RTA OSIYO ARXELOGIYASI KAFEDRASINING PAYDO BO‘LISHI ZARURIYATLARI	61
8. Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	69
9. Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммед Эшбекович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ	83
10. Muxamedov Yoqubjon Qodirovich G‘ARBIY TURK XOQONLIGI VA ERON SOSONIYLARI O‘RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR	91
11. Нарбеков Абдикамил Вафаевич НАСЕЛЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗМЕЖЕВАНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ	102
12. Назаров Хумоюн Алишерович., Одилова Нилюфар Зоиржон кизи РЕЛИГИОЗНЫЕ ВЕРОВАНИЯ В СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ КУШАН	116

13. Normurodov Dilmurod Rashidovich IX–XII-ASRLARDAGI TOSHKENT VOHASI (SHOSH-ILOQ)NING SHISHASOZLIGI	132
14. Olimjonov Xabibjon Abduxalim o‘g‘li TURKISTON ASSRDA KUTUBXONA ISHINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI CHORA-TADBIRLAR	147
15. Ochildiyev Fayzulla Bobokulovich O‘RTA OSIYO TEMIR YO‘LINING BUXORO AMIRLIGIGA KIRIB KELISHI VA TEMIR YO‘L BEKATLARINING FAOLIYATI	155
16. Rahmonqulova Zumrad Boyhurozovna O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O‘RTASIDAGI IQTISODIY ALOQALAR TARIXIDAN	168
17. Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич ВКЛАД ВЫПУСКНИКОВ КАФЕДРЫ АРХЕОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	178
18. Саипова Камола Давляталиевна УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АСС В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ	184
19. Сиддигов Равшан Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР	189
20. Tog‘ayev Jasur Erkinovich QADIMGI DAVR ME‘MORCHILIGI TARIXIY REKONSTRUKSIYASIGA DOIR (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA)	206
21. Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ	214
22. Ubaydullayev Ikromjon Farxod o‘g‘li O‘ZBEKISTON HUDUDIDAGI ANTIK DAVLATLARNING TARIXIY UZVIYLIGI VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	219
23. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich XIX ASRNING 60–70-YILLARIDA ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O‘LKASIDAGI YER EGALIGI VA MULKCHILIK MUNOSABATLARIGA OID SIYOSATI (Rasmiy amaldorlari va ishchi kommissiya vakillarining faoliyati misolida)	232
24. Холикулова Шахноза Баймахаматовна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК КИМЁ КОРХОНАСИ ТАРИХИ	242
25. Холикулов Ахмад Баймахаматович ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)	252

26. Худойкуов Урал Каримович ЖАҲОН ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ	260
27. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)	268

Сиддиқов Р. Б.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти., т.ф.н.
Ўзбекистон Миллий университети
ravsidd@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон олий таълим тизимида бўлган трансформация жараёнлари таҳлил қилинган. Шунингдек соҳада рўй берган таркибий ўзгаришлар ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги янгича ёндошувлар акс эттирилган. Миллий кадрларни тайёрлашда ҳамда олий таълимни молиялашда юзага келган муаммолар ва уларни сабаблари кўрсатилган.

Калит сўзлар: мустақиллик, олий таълим тизими, глобаллашув, ислохот, таркибий ўзгаришлар, педагог кадрлар, илмий салоҳият, модернизациялаш, халқаро ҳамкорлик, коррупция, олий таълим сифати.

КИРИШ

Бугунги кунда барча соҳаларда Янги Ўзбекистонинг тараққиёт стратегияси асосида амалга оширалаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар натижасида, мамлакатимиз ривожланишда янги босқичга кўтарилди. Ана шу жараёнларда Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимини замон талаблари асосида модернизация қилиниши ўзининг дастлабки медаларини бера бошлади. Таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларда Ўзбекистонда 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” муҳим ўрин тутди. Чунки уни ҳаётга татбиқ этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг асосларини яратилиши ҳамда замонавий олий таълим тизимини шаклланиши мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида маълум аҳамият касб этди. Айни вақтда Олий таълим ва кадрлар тайёрлашда ижобий ўзгаришлар билан бирга соҳани ривожланиши замон талабларидан орқада қолди ва малакали кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда педагогик кадрлар салоҳияти билан боғлиқ муаммолар вужудга келди. Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ қилишда соҳада амалга оширилган ислохотларни тарихийлик ва объектив ёндошув асосида таҳлил қилиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Мустақилликни илк даврида Ўзбекистонда таълим соҳасини ислоҳ қилишда танланган йўл маълум ижобий натижалар берган бўлсада, 1992 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” Қонун таълим тизимини фақат қисман ислоҳ қилишга имкон яратди. Ўтиш даврида (1991-1996 йиллар) амалга оширилган ишлар таълим тизимининг такомиллашувига хизмат қилиб, мавжуд салбий ҳолатларни камайишига олиб келди. Шу билан бирга дунёдаги глобаллашув ҳамда жаҳон таълим маконидаги интеграция жараёнлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида замонавий кадрларга қўйилаётган талаблар соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда тубдан модернизация қилишни тақозо этди. Олий таълим тизимидаги ислоҳотларнинг кейинги босқичи 1996 йилда, олий таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилгандан сўнг бошланди. Бу босқичнинг асосий устивор йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланди:

бакалаврият ва магистратурадан иборат олий таълимнинг икки босқичли тизими жорий қилиш;

олий таълим тизимини молиялашнинг янги тизимига ўтиш (давлат грантлари шаклида бюджет маблағлари ва шахсий манбалар ҳисобидан молиялаш, яъни талабаларни олий ўқув юртига тўлов шартнома асосида қабул қилиш);

талабаларни мамлакатнинг барча ҳудудида бир кунда ва бир вақтда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган кириш тест синовлари орқали қабул қилишга тўлиқ ўтиш[1].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 27 августда бўлиб ўтган IX сессиясида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов мамлакат таълим тизимини эришган даражаси ва аҳволига объектив баҳо берди ва соҳадаги мавжуд муаммо ва ўз ечимини кутаётган масалаларга эътиборини қаратди. Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғланмаганлиги, яъни узлуксиз таълим тизимини ташкил қилиш муаммоларини ҳал қилинмаганлиги, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базасини замон талабларига жавоб бермаслиги, юқори малакали педагог кадрларни, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиётнинг, етишмаслиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва интеграциянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги - кадрлар тайёрлаш тизимидаги жиддий камчиликлардан ҳисобланар эди. Шу боисдан ҳам 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги Қонун, миқёси ва мақсадлари бўйича кенг камровли “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг

қабул қилиниши ушбу муҳим соҳада чуқур ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди[2].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилишда ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш тамойилига амал қилинди[3].

Биринчи босқич – ўтиш даври бўлиб (1997-2001 йй.) унда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш унинг ривожланиши учун ҳуқуқий меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш вазифаси қўйилди. Таълим мазмунини ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартлари жорий этилди[4].

Маълумки таълим тизимидаги ислоҳотларни самарали бўлиши ҳамда тайёрланаётган кадрларни салоҳияти, сифати ва компетентлик даражаси авваламбор илмий-педагогик кадрларни қай даражада замон талабларига мослиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг ислоҳ қилишда ҳамда юқори малакали педагогик кадрларни тайёрлашда илғор давлатларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов фармонига биноан ташкил қилинган “Умид” ва “Устоз” жамғармалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга ўзларининг маълум ҳиссаларини қўшдилар[5]. “Умид” жамғармаси томонидан дунёнинг ривожланган давлатларида магистратура ва бакалавриятда ўқиш учун 1997- 2001 йилларда 785 нафар грант соҳиблари саралаб олинган бўлиб шулардан 500 нафари ўқишни муваффақиятли тугатиб ватанга қайтдилар ва махсус ишчи гуруҳи қарорига биноан республикани турли вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарга тақсимландилар[6]. 1997 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда “Умид” жамғармаси грантлари асосида жами 828 нафар талаба ёшлар чет мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида мамлакат эҳтиёжлари учун ўта эҳтиёж талаб бўлган яъни, инвестиция ва қимматбаҳо қоғозлар, халқаро тижорат ва молия ҳуқуқи, информатика ва компьютерлаштириш, қишлоқ хужалиги, экология ва сув ресурсларини бошқариш, машинасозлик, қурилиш менежменти соҳалари бўйича бакалаврият (368 нафар) ва магистратуранинг (465 нафар) турли йўналиш ва мутахассисликларида (АҚШда 343 нафар, Буюк Британияда 329 нафар, Германияда 84 нафар, Францияда 33 нафар, Японияда 20 нафар, Канадада 11 нафар, Италияда 8 нафар) тахсил олдилар. “Устоз” жамғармаси орқали 1997 -2003 йилларда мамлакат олий ўқув

юртларининг 935 нафар профессор-ўқитувчилари дунёнинг ривожланган давлатлари университетлари ва илмий марказларида малака оширдилар[7].

Олий таълимни ислоҳ қилишнинг меъёрий ҳуқуқий асосларини жаҳон таълим маконидаги талабларга мослаштириш ҳамда юқори малакали кадр тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакат таълим тизимининг халқаро таълим тузилмасига уйғунлашуви вазифаларини ҳал қилиш мақсадида 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан халқаро стандарт тамойилларига асосланган “Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари” ва “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” қабул қилинди[8].

Ўзбекистон олий таълим тизимини такомиллаштириш жараёнлари давом эттирилиб ислом динига оид бой ва ноёб маданий меросни чуқур ўрганиш, диний фундаментализм ва экстремизм ғояларига қарши курашиш, миллий маънавий ва диний қадриятлар асосида замон талабларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида 1999 йилда Тошкент ислом университети ташкил қилинди[9].

Ўзбекистоннинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, 1999 йилда олий ўқув юртлари факультет ва йўналишларида мутлақо янги йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Тошкент тиббиёт институтида олий квалификацияли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш бўлими, Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика ва Тошкент иқтисодиёт университетида халқаро туризм факультетлари юқори малакали кадрлар тайёрлашга киришди[10].

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг нафақат республикада, балки минтақада ҳам тўнғич дунёвий, замонавий олий таълим муассасаси эканини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги муҳим ўрни, ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган ҳолда 2000 йил 28 январда унга “Миллий университет” мақоми берилди[11].

Ўзбекистоннинг замонавий, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини кондиритиш ҳамда XXI аср талабларига жавоб берадиган кадрларни тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 16 августда “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларни тасдиқлаш тўғрисида” Қарорни қабул қилди[12]. Янги меъёрий асосда бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фанлар дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди[13].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичини амалга оширилиши натижасида йилдан-йилга талабалар сони ошиб борди. 1997-

1998 ўқув йилида Ўзбекистон олий ўқув юртларига 35136 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Шу йили Ўзбекистон олий таълим тизимида 60 та ўқув муассасасида 158,2 минг нафар талаба таҳсил олди. 2001 ўқув йилига келиб ёшларни олий таълим билан қамровини кенгайтириб бориши натижасида қабул 50628 тани ташкил қилди ва олий ўқув юртида 207,2 минг нафар талаба таҳсил олди. Ўзбекистонда 2001 йилда ички ялпи маҳсулотнинг 11,4 фоизи таълимга ажратилган бўлса, шундан 15,8 фоизи олий таълимга тўғри келди[14]. Шу билан бирга, таълим олувчиларга бир қатор имтиёзлар берилди. Олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш амалиётига жорий этилди[15]. Шундай қилиб, таълим ислохотларини биринчи босқичида Олий таълим тизимини тубдан ислох қилишда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш уни таркибий қайта қуриш ва университет таълимини устиворлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилди.

Иккинчи босқич – (2001-2005 йиллар)да Олий таълим тизимидаги таркибий ўзгаришлар, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини ўқув адабиётлари ҳамда илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш ва халқаро алоқаларни янада кенгайтириш давом этирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини иккинчи босқичини амалга оширишда кечки бўлимга қабул тўхтатилган бўлсада муттасил равишда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш квоталари ошиб борди. 2002- 2003 ўқув йилида 62 та олий таълим муассасаларига 54572 нафар талаба ўқишга қабул қилинди уларни 45.9 минги кундузги ва 8,7 минги сиртқи бўлим талабаларидан иборат бўлиб талабаларни умумий сони 232,3 мингтани ташкил қилди[16]. Айтиш пайтда қабул жараёнида ижобий тенденциялар билан бирга абитуриентларни тайёргарлик даражаси билан боғлиқ камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Қайд этилган ўқув йилида бакалаврият бўйича тест синовларида 230984 нафар талабгор иштирок этиб танлов бир ўринга 4,5 кишини ташкил (2001 йили 5,3 киши) этди. Жумладан 152613 киши (66,1%) қишлоқ мактабларини тугатганлар. Кириш баллининг қуйи чегараси этиб, давлат грантлари бўйича энг кўп баллининг 33 фоизи (74,8 балл) тўлов контракт асосида эса 30 фоизи (68,0 балл) белгиланди. Шунга кура давлат грантлари асосидаги 19900 ўринга 19563 абитуриент талабаликка тавсия этилиб 337 ўрин вакант қолди. Тўлов контракт бўйича ажратилган 31200 ўринга 28533 абитуриент талабаликка қабул қилиниб 2667 ўрин вакант қолди. Ўрта махсус маълумотга эга ва

тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагогик кадрлардан махсус сиртқи бўлимларига қабул юзасидан тест синовларида 7081 абитуриент иштирок этиб, бу кўрсаткич 2001 йилга нисбатан 633 кишига кўпдир. Танлов бир ўринга 2,4 кишини ташкил этди. Тест синовлари натижаларига кўра давлат грантлари асосидаги 1200 ўринга 986 абитуриент талабаликка тавсия этилиб 214 ўрин вакант қолди, тўлов контракт бўйича ажратилган 1800 ўринга 1054 абитуриент талабаликка қабул қилиниб 746 ўрин вакант қолди[17]. Олий ўқув юртларига қабул режасини тўлиқ бажарилмай қолишини бир қанча сабаблар бор эди. Биринчидан айрим талабгорларни умумий билимини паст даражадалиги бўлса, иккинчи сабаб кам таъминланган оила фарзандларини тўлов контрактни қоплаш имконини чегараланганлиги эди.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида 2002-2003 ўқув йилида “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ бакалавриятда 139 та йўналиш ва 1145 та магистратура мутахассисликлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрланди. Замон талабларига жавоб берадиган мухандислик соҳаси бўйича олий малакали кадрлар тайёрлаш мамлакат 34 та олийгоҳларининг 62 та бакалаврият йўналишида ёки умумий сонидан 44,6 фоизни ва 226 та магистратура мутахассислиги бўйича ёки умумий сонини 19,7 фоизини ташкил қилади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширилишини дастлабки таҳлиллари, ўрта ва узоқ келажакда мамлакатни машинасозлик, нефт ва газ, химия, тоғ-кон, қурилиш, транспорт, электроэнергетика, текстил саноати корхоналари ва бошқа етакчи соҳалар юқори малакали инженер техник кадрлар танқислиги сезилишини кўрсатди[18]. Ушбу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди.

Шу даврда олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот-технологияларини жорий қилиш, “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш ҳамда ахборот-коммуникация соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди. Мамлакатни инновацион ривожланишида ушбу соҳани юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида Тошкент электротехника алоқа институтига 2002 йилда Тошкент ахборот технологиялар университети мақоми берилиб, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб дастурий махсулот ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш бошлаб юборилди[19].

2005 йилга келиб барча олий ўқув юртлари Интернет глобал тармоғига уланган бўлиб олий таълим тизимида компьютерларни сони 18332 тага етди. Натижада ҳар 100 та талабага 6,7 дона компьютер тўғри келди. Ziyo.edu.uz

электрон ўқув базаси олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанларни ўзида жамлади[20].

Мамлакат эҳтиёжларидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳасини жумладан, туризмни ривожлантириш ва уни малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2004 йилда Самарканд кооператив институти негизида Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил қилинди[21].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини иккинчи босқичини амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда яхлит, икки босқичдан иборат олий таълим тизими шаклланди. Олий таълим тизимида амалга оширилган ўзгаришлар таълимнинг барча бўғинларига ижобий таъсир кўратди. Ўзбекистон таълим тизимининг барча бўғинларида юқори малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, ҳамда “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури” доирасида маориф соҳасига кадрлар тайёрлаш устивор йўналиш деб қаралганлиги олий таълимни ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини иккинчи босқичида олий ўқув юртларига қабул квотаси йилдан йилга кўпайиб борди. 2004-2005 ўқув йилига келиб олий ўқув юртларига 59281 талаба қабул қилинди. Уларни 5083 нафарини сиртки бўлим талабалари ташкил қилди. Республиканинг 63 та олийгоҳида 263,5 минг нафар талаба таҳсил олди. Шу ўқув йилида талабаларнинг 55 фоиздан ортиғи (149700 минг нафари) маориф соҳасига тўғри келди[22]. Бироқ олий малакали кадрлар тайёрлашда ҳукумат томонидан квоталарни қатъий белгилаб бериш амалиётини сақланиб қолганлиги, масофавий ва экстернат таълим шакллари ривожланмаганлиги, шу билан бирга нодавлат олий таълим муассасаларини мавжуд эмаслиги ёшларни олий таълим билан камровини ошишига тўсқинлик қилди.

Айни пайтда давлат бюджетининг (ДБ) олий таълим (ОТ) харажатлари ўсиб бориши билан бирга уларнинг ЯИМ (ялпи ички маҳсулот)даги фоиз улуши 2000 йилдан 2005 йилгача камайиб борди (2 -илова). Ушбу тенденция шундан далолат берадики, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш мунтазам равишда ёки етарли даражада молиявий ресурслар билан етарли даражада таъминланмади. Кейинги йилларда бюджетдан ташқари молиялаштириш ҳажми ошган бўлса-да, олий ўқув юртлари ихтиёрида мустақил равишда бюджетдан ташқари маблағларни сарф харажат қилиш ҳуқуқининг йўқлиги уларга таълим хизматлари сифатининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга, малакали профессор-ўқитувчиларнинг контингентини сақлашга, шунингдек илмий тадқиқот ва ўқув- услубий фаолиятни рағбатлантириш имконини бермади[23].

2000-2005 йилларда ЯИМдан олий таълимга сарфланган харажатлар таркиби

2 илова

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
ЯИМ, АҚШ млрд. долл	22,75	14,980	10,854	10,064	12,423	14,183
ДБ дан ОТ га харажатлар АҚШ млн. долл.	106 892	67 766	48 410	42 463	49 887	56 729
ЯИМга нисбатан %	0,47	0,45	0,45	0,42	0,40	0,40

Таълим соҳасини молиялаштиришда унинг ривожланишига халқаро донорлар ва молия муассасаларин томонидан кўрсатилган ташқи ёрдам ҳам сезиларли роль ўйнади. 2000 йилдан бошлаб 2007 йилнинг ўрталаригача Ўзбекистонда ўмумий миқдори 1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 122 та лойиҳа амалга оширилган, бундан олий таълим тизимига ўмумий сумманинг 4,19 фоизи тўғри келди. 2003-2007 йилларда соҳага умуман олганда дарсликлар чоп этиш ва ўқув муассасаларини ахборатлаштиришни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 219,62 млн. АҚШ доллари ажратилди[24].

Ўзбекистонда 2001-2005 йилларда талабалар сони ошиб борган бўлишига қарамасдан ёшларни олий таълим билан қамрови паст даражада сақланиб қолди. Мамлакатда 10 минг аҳолига нисбатан талабалар сони 2001 йилда 74 нафар бўлса, 2005 йилга келиб уларни сони 101 нафарга етди. Бу МДХ давлатлари ўртасида энг паст кўрсаткич бўлиб, айти пайта мазкур кўрсаткич Қозоғистонда 497 нафар, Қирғизистонда 426 нафар ва Тожикистонда 175 нафарни ташкил қилди[25]. Агар Ўзбекистон аҳолисини юқорида келтирилган давлатлар аҳолисидан бир неча баробар кўплигини инобатга олсак олий ўқув юртлари талабалари сони бўйича Ўзбекистон дунёдаги охирги ўринларни эгаллади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини учинчи босқичида (2005 -2016 йй) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда олий таълимни модернизация қилишга киришилди. Лекин бу вазифани бажаришда олий ўқув юртларини молиялаштириш ҳамда моддий техника базасини мустахкамлашга ва ахборот коммуникация технологияларини жорий қилишга йўналтирилган маблағлар етарли бўлмади. Таълим тизимини бошқаришдаги расмийлик олий таълим

муассасаларида ташкилий ва бошқарувда эркинликни чекланганлиги уларнинг ўзгарувчан замон талабларига тез мослашишига тўсқинлик қилди. Нодавлат олий ўқув юртларини мавжуд эмаслиги таълим хизматларини сотиб олувчилар учун рақобатнинг йўқлиги, таълим ва тайёрланаётган кадрлар сифатига салбий таъсир кўрсатди. Шуниндек таълимни барча бўғинларида соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари эътибордан четда қолганлиги, ўқитиш сифатини мактаб ва ўрта махсус касб хунар таълим тизимида замон талаблари даражасида эмаслиги, аксарият абитуриентларни билимини пастлиги, афсуски кўплаб олий ўқув юртларида коррупцияни кенг авж олишига олиб келди[26].

Маълумки олий ўқув юртини битирган мутахассиснинг тайёргарлик мезони уни ўз соҳаси бўйича иш топиши ва иш берувчини талабларига мослиги билан белгиланади. Ҳолбуки, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга қаратилган амалга оширилган тадбирларга қарамасдан, аксарият ҳолларда миллий кадрларни тайёргарлик даражаси иқтисодиёт эҳтиёжларига ва ишберувчилар талабига жавоб бермади. 2007 йилда социологик тадқиқот доирасида тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровнома шуни кўрсатдики, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирувчилари сўралган респондентларни, иқтисодий мутахассисликлар бўйича фақат 18,2 фоизи, техник мутахассисликларни 18,6 фоизи, юридик соҳасини 17 фоизи, ахборот технологиялари 28,9 фоизи тўлиқ талабга жавоб берган[27].

Ўзбекистонда 2006-2007 ўқув йилида 66 олий таълим муассасаси, жумладан 18 университет, 42 институт, 2 академия фаолият кўрсатди. Бундан ташқари Тошкентда Халқаро Вестминстер университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ю.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали ва 2007 йилнинг 1 сентябридан Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети ўз фаолиятини бошлади. Турли олий ўқув юртлари филиаллари ҳисобидан республикада олий таълим муассасалари сони 72 тага етди. Лекин Ўзбекистонда олий таълимни халқаролашув жараёни сустр борди. Ўзбекистон жаҳон таълим маконининг тўлақонли аъзосига айланмади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда кенг тармоқли олий таълим тизими шаклланди. Олий ўқув юртларини 28 таси таълим, 15 – саноат, қурилиш, транспорт, ва алоқа, 6 – тиббиёт, 4 – қишлоқ хўжалиги, 7 – иқтисодиёт ва ҳуқуқ, 4 – бошқа соҳалар учун олий малакали кадрлар тайёрлади[28]. Талабаларни умумий сони 286,3 минг нафар, жумладан 273,7 минг бакалавр ва 12,6 минг нафар магистрдан иборат бўлди. Уларнинг 69 фоизи тўлов-шартнома асосида бакалавриятда, 75 фоизи магистратурада таҳсил олди. 2000 йилдан буён яъни кейинги етти йил ичида олий ўқув юртларига ҳар йили

кабул қилинаётган абитуриентлар сони учдан бир ҳиссага, таълим олаётган талабалар сони эса 1,5 баробар ошди[29].

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва ислохотларни самарадорлигини ошириш мақсадида Олий таълим тизимида Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағлари янги дарсликлар яратиш, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, ўқув корпуслари ва ётоқхоналарни таъмирлаш ҳамда модернизация қилишга йўналтирилди. Шунингдек, олий таълим муассасалари томонидан 3400 дан ортиқ номдаги ўқув адабиётларининг янги авлоди тайёрланди. Бундан ташқари электрон интеллектуал ўқув адабиёти (170 дан ортиқ номдаги) ва оддий ўқув адабиётларининг электрон кўриниши (2900 дан ортиқ номдаги) каби замонавий ҳамда самарали ахборот манбалари яратилди[30].

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини учинчи босқичини амалга ошириш давомида маълум ижобий ўзгаришлар бўлганлигига қарамай олий таълим тизимида ўз ечимини кутаётган муаммолар кўпайиб борди. Авваламбор, ёшларни олий таълим билан қамровини кенгайтириш, олий ўқув юртларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва замонавий лаборатория ҳамда ахборот технологиялари билан жиҳозлаш, таълим сифатини халқаро андозалар даражасига кўтариш, инновацион ва рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган, келажақда иқтисодиёт эҳтиёжларини қондиришга тайёр кадрларни тарбиялаш долзарб масала бўлиб уни ҳаётга татбиқ этиш учун жиддий ўйланган дастур зарур эди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида “2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури” қабул қилинди[31]. Дастурда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, асосида олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифаси қўйилди. Дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Дастур асосида олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган классификатори ишлаб чиқилиб, ўз

мазмунига кўра яқин мутахассисликларни бирлаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада талаб қилинмаган мутахассисликларни тугатиш ҳисобига бакалаврият таълими йўналишларининг сонини 228 тадан 165 тагача, магистратура мутахассисликлари сонини эса 1200 тадан 447 тагача камайтирилди. Кейинги йилларда республика минтақаларида жойлашган олий ўқув юртларида замонавий муҳандислик-техник мутахассисларини тайёрлашни кенгайтирилди. Андижон муҳандисликиқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига; Наманган муҳандисликиқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига; Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди[32]. 2015-2016 ўқув йилида олий ўқув юртларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш давом эттирилиб, қабул қилинган дастурга асосан, 24 та олий ўқув юртлар 154 та объектларида қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва жихозлаш ишлари олиб борилди. Жумладан 41 та янги ўқув биноси, 5 та ахборот ресурс маркази, 26 та талабалар турар жой мажмуаси, 11 та спорт ва бошқа объектлар барпо этилди[33].

2011-2016 йилларда олий ўқув юртларини моддий техника базаси компьютер ва ахборот технологиялари билан жиҳозланди. Ўзбекистон олий таълим тизимида 2002 йилда ҳар 100 талабага, 4,7 та компьютер тўғри келган бўлса, 2015 йилга келиб ҳар 100 талабага, 13,3 та компьютер тўғри келди[34]. Бу ўз навбатида барча олий ўқув юртлари ахборот-ресурс марказларини “Интернет” тармоғига уланиш имконини берди ва таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Кейинги йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимида ёшлар камровини кенгайтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолаверди. Ушбу муаммони ечиш мақсадида янги олий ўқув юртлари ташкил қилинди ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 2013 йил 28 июнда “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарорига[35] биноан Тошкент Давлат юридик институти Тошкент Давлат юридик университети этиб қайта ташкил этилди[36].

2014 йилда стоматалогия соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида “Тошкент Давлат стоматалогия институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди[37].

2016 йил 13 майда Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди. Университет таркибида 3 та факультет: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва

адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факультетлари 2016-2017 ўқув йилида дастлабки 300 нафар талабани ўқишга қабул қилди[38].

Ўзбекистон мустақилликни дастлабки йилларидан бошлаб таълим соҳасида халқаро алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга устивор йўналиш сифатида қаради. Жаҳон таълим стандартлари ҳамда бозор иқтисодиёти талабларига мос олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида нуфузли хорижий олий ўқув юртларини филиаллари, замонавий ва эҳтиёж талаб мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошлаб юборди. Дастлаб 1995 йилда Россия Федерациясини нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланган Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Республика эҳтиёжлари учун ўта зарур бўлган бозор иқтисодиёти ва менежменти қонуниятларини эгаллаган юқори малакали кадрларни тайёрлашга киришди. Глобаллашув даврида Ўзбекистон олий таълим тизимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашуви жараёнини жадаллаштириш ҳамда Европа иттифоқида кенг ёйилган Болония жараёнининг айрим элементларини, илғор таълим технологияларини Республика олий ўқув юртларига жорий этиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистонда Буюк Британиянинг Вестминстер университети бизнес бошқарув, тижорат ҳуқуқи, ахборот технологиялари ва иқтисодиёт йуналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни бошлаб юборилди. Кейинги йилларда Москва давлат университети (2006), Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети (2007), Сингапур менежментни ривожлантириш институти (2007), Турин политехника университети (2009) ҳамда Жанубий Корея Инха университети (2014) каби нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, дастурлаш, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи, туризм каби меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўзбекистон олий таълим тизимининг байналминаллашуви ва жаҳон олий таълим маконига интеграциялашуви жараёнлари бошланган бўлишига қарамасдан ушбу соҳа глобаллашув даври талабларига тўлиқ жавоб бермади.

Маълумки юқори малакали кадрларни тайёрлашда юксак илмий салоҳият ва замонавий педагогик технологияларни эгаллаган профессор-ўқитувчилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш керакки, охириги ўн йилда олий ўқув юртларини илмий салоҳияти пасайиб борди. 2005 йилда республика

олий ўқув юртларида 21467 нафар педагоглар фаолият кўрсатган, уларнинг 42,2 фоизи илмий унвон ва даражага эга бўлган, 2016 йилда уларнинг сони 24368 нафар бўлиб, илмий унвонлилар – 31,9фоизни ташкил қилди[39].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мустақиллик йилларида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини асослари ва замонавий олий таълим тизими шаклланди. 2016-2017 ўқув йилига келиб республикада 21 та университет, 37 та институт, 2 та академия, 11 та маҳаллий ва 7 та хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари филиаллари жами 78 та олий мактаб фаолият кўрсатди[40].

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда замонавий яхлит узлуксиз таълим тизими шакллантирилганлигига қарамасдан олий таълим тизими мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётида бўлган туб ўзгаришларга тўлиқ мослаша олмади. Олий ўқув юртларигакиришни квоталар билан чекланганлиги меҳнат бозорини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж билан таклиф ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишини вужудга келтирди. Мустақиллик йилларида ёшларнинг қарийб 100% ўрта таълимга жалб қилинган бўлишига қарамасдан уларнинг фақат 9% олий таълим олиш имкониятига эга бўлди[41]. Кўп йиллар давомида Ўзбекистонда олий ўқув юртларига қабул квотаси деярли ўзгаришсиз қолди[42]. Ўзбекистон олий таълим тизимининг муаммолари ва камчиликлари тизимли характерга эга бўлиб, авалламбор уни молиялаштиришда кўзга ташланди. Шуни таъкидлаш керакки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш даврида профессор ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашга ва уларни касбий ривожланишига ҳамда илмий фаолиятига етарлича эътибор берилмаганлиги, олий ўқув юртларини илмий салоҳиятини пасайиб боришига олиб келди.

Фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Инсоният тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Тошкент: БМТТД, 2008. – Б.124.
2. Қурбонов Ш ва бошқалар.Баркамол авлод орзуси. – Т.: «Шарқ»,1998.8 - 30 бетлар
3. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 4-
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим

стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” ги Қарори / <https://www.lex.uz/docs/622242>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январь, ПФ-1694-сон Ўзбекистон республикаси президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида Фармони. <https://lex.uz/docs/168039>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрь, 576-сон «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида Қарори. <https://lex.uz/docs/589172>

6. ЎзР ПАА.975-фонд, 30-рўйхат, 224- йиғма жилд, 39-варақ.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви 1997- 2003 йил маълумотлари., “Умид” жамғармаси фаолиятига бир назар 19:06 - 3 январ 2020 <https://argos.uz/uz/press-center/news/19> мурожат 18 07 2024

8. Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т.:2007 -Б.198-215

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги ПФ-2282-сонли “Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармони / http://Lex.uz/Pages/GetAct.aspx?Lact_id=213560

10. Республика Узбекистан: Результаты реформ и дальнейшая стратегия развития высшего образования. <http://www.unesco.KZ/education/he/uzbek/uzbnat.ru.dok>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент Давлат университетида “Миллий университет” мақомини бериш тўғрисида” ги 28.01.2000 й.ПФ-2532-сон Фармони https://nrm.uz/contentf?doc=468376_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidentining_28_01_2000_y_pf-2532son_toshkent_davlat_universitetiga_milliy_universitet_maqomini_berish_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_farmoni&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори / <https://lex.uz/docs/361387>

13. Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.:Адолат. 2008. –Б. 198-215. Ўзбекистонда олий таълим. Таҳлилий тавсиянома 1(12) 09 https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/un_uzb_PB_education_uzb.pdf

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2023 йил 31 август №01/3-15-17/2-162-сонли маълумотномаси., Развитие системы образования в Узбекистане 2000-2004 статический сборник.

Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2005. – С.96. Республика Узбекистан: Результаты реформ и дальнейшая стратегия развития высшего образования. <http://www.unesco.KZ/education/he/uzbek/uzbnat.ru.dok>.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида” Қарори / <https://lex.uz/docs/351698>

16. Развитие системы образования в Узбекистане 2000-2004 статический сборник. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2005. – С.96.

17. ЎзР ПАА.975-фонд, 30-рўйхат, 224- йиғма жилд, 205-варақ.

18. ЎзР ПАА.975-фонд, 30-рўйхат, 224- йиғма жилд, 247-варақ.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 385-сонли “Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори / <https://lex.uz/docs/327307>

20. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим,фан ва инновациялар вазирлиги жорий архиви 2005 йил.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.03.2004 йилдаги 144-сонли Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисидаги Қарори, <https://lex.uz/docs/734716>

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2023 йил 31 август №01/3-15-17/2-162-сонли малумотномаси., Образование в Узбекистане 2008., Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике –Ташкент. 2009. –С.168-169.

23. Хосе Хоакин Брунер., Энтони Тиллет. Высшее образование в Центральной Азии Задачи модернизации. .,С.192.,<https://documents1.worldbank.org/curated/en/427891468213004741/text/689260ESW0RUSS0nization00200700russ.txt>

24. Ўзбекистонда олий таълим .Таҳлилий тавсиянома 1 (12) 2009 6 бет https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/un_uzb_PB_education_uzb.pdf

25. ЎзР ПАА.975-фонд, 30-рўйхат, 903- йиғма жилд, 85,86-варақ.

26. Yun A. Corruption in Uzbek higher education: Detrimental impurity for the future.(Central Asia policy briefs #34) 2016., <https://osce-academy.net/upload/file/Brief34.pdf>

27. ЎзР ПАА.975-фонд, 30-рўйхат, 903- йиғма жилд, 86-варақ.

28. Образование в Узбекистане. Стат.сборник.,Ташкент – 2011.С.144

29. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистонда таълим: талаб ва тақлиф мутаносиблиги. – Тошкент: БМТТД, 2008. – Б. 124-125.

30. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистонда таълим: талаб ва тақдир мутаносиблиги. – Тошкент: БМТТД, 2008. – Б. 127
31. 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури. Тошкент окшоми. 2011,23 май.
32. Халқ сўзи. 2012 йил 20 январь
33. Система высшего образования Узбекистана: доступность, эффективность, инновации. <https://www.un.int/uzbekistan/news/> (мурожат қилинган 08.08.2024)
34. Сейтхалилов Э., Дониёров А. К истории развития профессионального образования Узбекистана в период независимости. O‘zbekiston tarixi 2011-yil 2-son. –Б. 27. Яна қаранг <http://edu.uz/uz/pages/infg>.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29- сон, 372-модда.
36. Ўзбекистон овози. 2015 й. 12 май.
37. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014 й. 30 сон. 367 модда.
38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги 152-сонли Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори / <https://lex.uz/mobileact/2959330>
39. Хосе Хоакин Брунер., Энтони Тиллет. Высшее образование в Центральной Азии Задачи модернизации. The World Bank, -С.211., Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги расмий сайти. <https://edu.uz/uz/pages/sss#gsc.tab=0>
40. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти. <http://edu.uz/uz/opendata/view?id=3>
41. Узбекистан: Модернизация системы высшего образование. Июнь 2014 г. Документ Всемирного банка. – С.10.
42. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти. <http://edu.uz/uz/pages/sss>

Сиддиков Р. Б.

К.и.н., доцент кафедры «История Узбекистана»
Национальный университет Узбекистана
ravsidd@mail.ru

ТРАНСФОРМАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА: ДОСТИЖЕНИЯ И ПРОБЛЕМЫ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются трансформационные процессы, происходившие в системе высшего образования Узбекистана в результате реализации Национальной программы по подготовке кадров. Также отражены структурные изменения и новые подходы к подготовке высококвалифицированных кадров произошедшие в системе высшего образования. В данной статье проведен анализ проблем, возникших при подготовке национальных кадров и финансировании высшего образования, и их причины.

Ключевые слова: независимость, система высшего образования, глобализация, реформа, структурные изменения, профессорско-преподавательский состав, научный потенциал, модернизация, международное сотрудничество, коррупция, качество высшего образования.

Siddikov R. B.

PhD., associate professor at the department of «History of Uzbekistan»
National University of Uzbekistan
ravsidd@mail.ru

TRANSFORMATIONAL PROCESSES IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN: ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS

ABSTRACT

The article analyzes the transformational processes that took place in the higher education system of Uzbekistan as a result of the implementation of the National Training Program. It also reflects the structural changes and new approaches to the training of highly qualified personnel that have occurred in the higher education system. The problems that have arisen in the training of national personnel and financing of higher education, and their causes, are indicated.

Keywords: independence, higher education system, globalization, reform, structural changes, faculty, scientific potential, modernization, international cooperation, corruption, quality of higher education.